

7. Шмальгаузен И.И. Определение основных понятий и методика исследований роста. //Рост животных. –М., 1935. –С.8-60.

УЎК: 636.933.2: 082.11

Сур рангли қоракўл қўйларининг наслий хусусиятларини ўрганиш натижалари

Б.С.Маматов–қ.х.ф.ф.д. (PhD), ката илмий ходим, bshms@mail.ru

А.Газиёв–қ.х.ф.д., ката илмий ходим

А.Ж.Болтаёв–илмий ходим

Қоракўлчилик ва чўлэкологияси илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада турли жуфтлаш вариантларида қоракўл қўйларининг рангбарангликлар, гул типлари ва синфларининг наслга берилиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ёритилган.

Калим сўзлар: қоракўл қўйлари, қўзилари, жуфтлаш, рангбаранглик, гул тупи, синф, ирсий салоҳият, танлаш.

Annotation. The article presents the results of studies to establish the hereditary characteristics of Karakul sur sheep according to colors, curl types and classes with different selections.

Key words: Karakul sheep, lambs, selection, coloring, curl type, class, hereditary potential, selection.

Кириш. Қоракўл қўйларининг наслини, маҳсулот сифатини яхшилаш сурувда олиб бориладиган танлаш ишларига боғлиқ бўлиб, ушбу ҳайвонларни кўпайтиришда мақсадли урчитиш усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда айтиш мумкинки, соҳанинг энг йирик ҳудудларидан бири қумли чўл ҳисобланиб, бу шароит селекцион белгиларнинг бошқа ҳудудларга нисбатан юқорироқ даражада намоён бўлишини таъминлайди. Лекин бу юқори даража зотнинг ирсий имкониятларини тўлиқ очиб беради дегани эмас.

Шу нуқтаи назардан танланган мавзу йўналишида қумли чўл ҳудудида қоракўл қўйларининг селекцион белгиларини такомиллаштириш, уларнинг намоён бўлишини юқорироқ даражага чиқаришни таъминловчи урчитиш ва селекциялашнинг самарали илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларига киради.

Қоракўл қўйларининг ирсиятини такомиллаштириш, наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини оширишда бир қатор селекцион, урчитиш ва жуфтлаш усулларидан ҳамда қўйларнинг наслини баҳолашда турли статистик, корреляцион, дисперсион услублардан фойдаланиш асосида селекция самарадорлигини ошириш усулларини амалиётда қўллаш соҳа самарадорлигини оширишда муҳим селекцион аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишда селекция амалиётида селекцион жараёни жадаллаштириш ва унинг самарасини ошириш имконини яратиш имкониятларикўпчилик тақиқотчилар (Т.Умурзаков, 1992, А.Газиёв, 2007, Ў.Т.Куқенов, 2010, Ў.Т.Куқенов, Б.С.Маматов, 2019) томонидан қайд этилган.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинганда қоракўл қўйлар ирсий салоҳиятида фойдаланилмаган захиралар кўп эканлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан муҳим селекцион белгиларнинг турли вариантли жуфтлаш натижалари асосида қўйларни самарали урчитишнинг селекцион асосларини ишлаб чиқиш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. Қизилқум шароитида яримдоира қаламгул типли сур қоракўл қўйларининг селекциялаш усулларини қўллаш асосида уларнинг ирсиятини ўрганиш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг манбаи ва усуллари. Тадқиқотлар Навоий вилоятининг “Янгиказган Нурли Диёр” МЧЖда урчитилувчи сур рангли тоза зотли турли гул типларидаги юқори синфларга мансуб қорақўл қўйларида олиб борилди.

Ишларни бажаришда зоотехникавий, статистик, корреляцион таҳлил, дисперсион таҳлил усулларида фойдаланилди.

Қўзиларда селекцион белгиларни баҳолаш “Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма” га (2015) биноан амалга оширилди.

Белгиларнинг намоён бўлиш даражалари статистик усул ёрдамида ўртача арифметик кўрсаткич ($\bar{X}$), унинг хатоси (S_x) каби кўрсаткичларни аниқлаш орқали амалга оширилди (Н. А. Плохинский, 1969).

Тадқиқот натижалари. Рангбаранглик. Олиб борилган селекция ишларида тажрибадаги қўйларни рангбаранглиги бўйича жуфтлаш натижасида олинган авлодларда муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланган рангбарангликнинг намоён бўлиш даражалари ўрганилди. Кузатилган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Авлодларнинг рангбарангликларга тақсимланиши

Жуфтлаш варианты	n	Рангбаранглик, % ($\bar{X} \pm S_x$)			
		кумуш	олмос	тилла	бошқалар
Кумуш х кумуш	312	74,8 $\pm$ 2,45	13,7 $\pm$ 1,94	7,0 $\pm$ 1,44	4,5 $\pm$ 1,17
Олмос х кумуш	122	41,5 $\pm$ 4,46	43,4 $\pm$ 4,48	6,5 $\pm$ 2,23	8,5 $\pm$ 2,52

Ушбу йўналишда олинган натижалар қўйларни рангбарангликлари бўйича жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда олинган авлодларда ушбу хусусиятнинг турли даражада намоён бўлишини кўрсатади. Кумушсимон рангбарангликдаги қўйларни рангбаранглиги бўйича гомоген жуфтлашда ушбу рангбарангликка хос авлодлар салмоғининг юқори даражада бўлиши (74,8 $\pm$ 2,45%) кузатилиб, олмос ва кумушсимон рангбарангликлардаги қўйларни гетероген жуфтлашда ота-оналарга хос рангбарангликларнинг авлодларда деярли бир хил кўрсаткичларга эга бўлиши қайд этилди (мутаносиб равишда 41,5 $\pm$ 4,46 ва 43,4 $\pm$ 4,48%). Таъкидлаш лозимки, ҳар иккала жуфтлаш варианты авлодларда қимматсиз рангбарангликларнинг салмоғини камайтириши (4,5 $\pm$ 1,17 ва 8,5 $\pm$ 2,52%) аниқланди.

Авлодларнинг гул типлари. Сур рангли қўйларни муҳим селекцион белгилари ҳисобланган ранг ва рангбаранглик кўрсаткичларидан ташқари уларни гул типи бўйича жуфтлаш шароитида авлодларнинг ушбу кўрсаткич бўйича тақсимланишини ўрганиш аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқот натижалари 2-жадвалда умумлаштирилган.

Бажарилган тадқиқот натижаларидан кўринадик, яримдоира қаламгул типидagi қўйларни гомоген жуфтлаш шароитида олинган авлодларнинг деярли 2/3 қисми (62,4 $\pm$ 2,74%) шу типга мансуб бўлади ва кам қимматли ўсикгул типидagi авлодлар салмоғи максимал даражада камаяди (7,0 $\pm$ 1,44%).

2-жадвал

Авлодларнинг гул типларига тақсимланиши

Жуфтлаш варианты	n	Гул типи, % ($\bar{X} \pm S_x$)			
		Яримдоира қаламигул	қовурғасимон	ясси	ўсикгул
Я.д.қ.г х Я.д.қ.г	312	62,4 $\pm$ 2,74	18,9 $\pm$ 2,21	11,7 $\pm$ 1,81	7,0 $\pm$ 1,44
Я.д.қ.г х ўсикгул	122	51,1 $\pm$ 4,52	22,0 $\pm$ 3,75	11,5 $\pm$ 2,88	15,4 $\pm$ 3,26

Таъкидлаш лозимки, қорақўл қўйлари популяциясида селекция ишларининг даражасига қараб маълум миқдорда кам қимматли ўсикгул типли қўйлар учрайди. Уларнинг салмоғини камайтириш селекция ишининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб борилган тадқиқот ишлари ушбу типдаги қўйларни қимматли яримдоира қаламгул типли қўчкорлар билан жуфтлашда ўсикгул типли авлодларни

маълум даражагача ($15,4 \pm 3,26\%$) камайтириб, $51,1 \pm 4,51$ фоизгача яримдоира қаламгул типли авлодлар олиш имкониятларининг мавжудлиги аниқландики, ушбу ҳолатни селекция жараёнида инобатга олиш самарали ҳисобланади.

Авлодларнинг синфи. Олиб борилган тадқиқотларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида олинган авлодларнинг синф кўрсаткичлари ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Авлодларнинг синф кўрсаткичлари

Жуфтлаш варианти	n	Синфи, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)			
		элита	I	II	яроқсиз
Я.д.қ.г х Я.д.қ.г	312	$21,8 \pm 2,33$	$62,1 \pm 2,74$	$13,5 \pm 1,93$	$2,6 \pm 0,90$
Я.д.қ.г х ўсиқгул	122	$15,6 \pm 3,28$	$58,8 \pm 3,72$	$20,8 \pm 4,45$	$4,8 \pm 1,93$

Тадқиқот натижалари кўрсатадики, гул типи бўйича қўйларни турли вариантларда жуфтлаш асосида юқори синфлилик бўйича (элита ва I-синф) умумий миқёсда селекция самарадорлигини 83,9 фоизгача етказиш имкониятлари мавжуд. Гул типи бўйича гетероген жуфтлашда ушбу кўрсаткичнинг 74,4 фоизни ташкил этгани аниқланди. Бундай ҳолатда селекция самарадорлигини оширишни элита синфли қўзилар салмоғини оширишга қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса. Олмос ва кумушсимон рангбарангликдаги қўйлардан селекцияда фойдаланиш ушбу кўрсаткичлар бўйича юқори натижалар олиш имконини беради. Бунда олинган авлодлар қимматли рангбарангликлар, гул типи ва синфлилик даражалари бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиши кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Газиев А. Селекционно – генетические аспекты эффективного использования потенциала каракульских овец в Узбекистане. Ж. «Животноводство, кормопроизводство и ветеринария», № 2, Алматы, 2007, С. 28-30
2. Кукенов Ў.Т. Сарибел завод типдаги сур қорақўл қўйларининг наслий хусусиятлари. //Қ.-х. ном.дисс. Тошкент. : 2010. 122 б.
3. Маматов Б.С. “Гул типлари ва жун-тола сифатининг ўзаро боғлиқлик даражалари”. “Чўл яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва чўлланишнинг олдини олишнинг илмий-амалий асослари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2019 йил 14-15 август., стр.
4. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. «Колос», 1969, с, 10-14; 54-113.
5. Умурзаков Т.У. Изменчивость признаков и селекции каракульских овец. Алма-Ата. 1992. 232 с. Ажиметов Н.Н., Паржанов Ж.А., Мустияр Т.А. Смушковое овцеводство юга Казахстана. “Чўл – яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва чўлланишнинг олдини олишнинг илмий – малий асослари” мавзусидаги халқаро илмий – амалий конференция материаллари. Самарқанд. 2019 144-146 б.
6. Юсупов С.Ю., Газиев А., Бобоқулов Н.А., Юлдашов Н., Фазилов У.Т., Ҳакимов Ў.Н. ва бошқалар. Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма. Тошкент.: 2015. 31 б.

UO‘K: 636.32./38

**BUXORO SUR QORAKO‘L QO‘ZILARINING TIRIK VAZN
KO‘RSATGICHLARINING GUL TIPLARIGA BOG‘LIQLIGI**

U.X.Aripov-Genetika va genofond bo‘limi mudiri, q.x.f.d., professor.,
D.Yu.Abduzoirova-Rangli qorako‘l qo‘ylari seleksiyasi
bo‘limi mudiri, q.x.f.f.d (PhD).,
M.A.Alimova-tayanch doktorant